МИЛЛИЙ КИНО

# «ЎТКАН КУНЛАР»НИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ



Таниқли ўзбек кинорежиссёри Мелис Абзалов бошлиқ ижодий гуруҳ тугаллаш арафасида турган янги, рангли «Ўткан кунлар» бадиий кинолентаси санъат мухлисларига Наврўз кунлари тортиқ этилади.

«Ўткан кунлар» бундан салкам 30 йил аввал кино қилинганлигини мухлислар яхши билишади. Мумтоз асарларга қайта-қайта мурожаат этилишига жаҳон санъати тажрибасида мисоллар кўп. Бунинг асосий сабаби, ушбу асарларда халқларнинг эзгу мақсадлари, олий, пок туйғулари мужассам топганки, булар боқийликка дахлдор мавзулардир. «Ўткан кунлар»га ҳам она шундай юксакликдан туриб назар ташласак, ундан ҳар бир авлод тарбия олишини, инсонийликни, муҳаббатни қадрлай олишни ўрганишига ишончимиз комил. Зеро, ҳар бир авлод Абдулла Қодирийни ўзича тушунади, хулоса чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳали адиб асарларига кўп маротаба мурожаат этишларига шубҳамиз йўқ.

Янги фильмда китобдаги воқеалар, жараёнлар атрофлича қамраб олинган. Фильм ижодкорлари уни томошабинга тақдим этар эканлар, аввалгисига асло таққослаш ниятида эмасликларини таъкидлаган ҳолда Қодирий меросига бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббат рамзи сифатида қабул этишларини истайдилар.

Фильмдаги асосий ролларни Беҳзод Муҳаммадкаримов (Отабек), Шаҳризода Дилмурод қизи (Кумуш), Лола Элтоева (Зайнаб), Ёқуб Аҳмедов (Юсуфбек ҳожи), Ўлмас Алихўжаев (Мирзакарим қутидор), Сайрам Исаева (Ўзбек ойим), Гулчеҳра Жамилова (Офтоб ойим), Бахтиёр Қосимов (Ҳомид), Тўйчи Орипов (Ҳасанали), Ширин Азизова (Жаннат) ва бошқалар ижро этишган.

Сценарий матнини Мелис Абзалов, Ҳотам Файзиев ва Хондамир Қодирий ҳамкорликда ёзишган. Кинодаги кўп йиллик тажрибаси, қолаверса, адабиётимиз намуналарига чексиз ҳурмати ва қизиқиши ўлароқ таниқли оператор Ҳотам Файзиев ушбу фильмда яхшигина қаламкаш, моҳир тасвирчи ва рассом сифатида қатнашган.

**Жамила АСАДОВА.**

# «МУШТУМ»ОНА ЯНГИЛИК

**Севимли журналимиз «Муштум»нинг Оила йилидаги илк сони босмадан чиқди.**

**Журнални варақлаган муштарийларимиз «Менга сўз беринг», «Ачитма», «Маънавият», «Солиқчи сандиғидан», «Ҳукм ўқилди», «Инсон ҳақлари», «Миттивой» каби рукнлар остида берилган турли жанрдаги асарлардан баҳраманд бўладилар.**

«Муштум»она яна бир янгилик:

Ушбу йилдан бошлаб журналда таниқли ҳажв усталарига махсус саҳифалар ажратилганлигидир. Айни пайтда машҳур адибларимиз Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Анвар Обиджон ва бошқа ижодкорларимиз махсус саҳифа тайёрлашмоқда. Журнал янги рукнининг биринчи муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, севимли адибимиз Неъмат Аминовдир. Юрган йўли, босган қадами кулгию қаҳқаҳага бой бўлган устоз адибимизнинг «Шунда мен» туркумидан ўрин олган кулгили воқеаларни кўп ўқигансиз. Бу сафар ҳам шу туркумга кирган янги асарлар билан бир қаторда «Ҳажвчи ён дафтаридан» ҳам баҳраманд бўлиб, ҳақиқий кулгининг, ҳажвнинг моҳиятига яна бир бор етишишингиз тайиндир.

Таниқли шоиримиз Сирожиддин Саййиднинг «Бизнинг қўшиқ ҳаво эмас, довучадир...» сарлавҳали шеърлари ҳам тез кунлар ичида муштумхонлар ўртасида ёд бўлиб кетишига муштумчилар кафил.

«Муштум»нинг эл орасида машҳур бўлиб бораётган «Етти савол»ига бу сафар Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов жавоб берган.

Адабиётимизнинг йирик намояндаларидан бири Абдулла Қаҳҳорнинг 90 йиллиги муносабати билан журналда «Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари»дан намуналар эълон қилинган.

Султонмурод Олимнинг «Гадо дур тамаъ этган киши» мақоласи Ҳазрат Навоийга бўлган юксак эҳтиром баробарида, сабр-қаноат хусусида фикр юритилади.

Толиб Йўлдош деган машҳур, зукко шоиримиз журналнинг «тўри»дан жой олганлар.

Фарғона вилояти солиқчиларининг «ов»лари ҳақида Баҳром Обиджоннинг «Пул балоси»ни ўқисангиз ҳамма нарса равшанлашади.

Самарқанд шаҳридаги «антиқа» рекламалар ҳақида Иноят Неъматов «сал-пал»гина қалам юргизган.

М.Калоновнинг «Собиқ эрнинг «вафо»си фельетони ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмаслиги билан ажралиб туради.

Хуллас, Сизга журнални тўлиқ шарҳлаб ўтиришнинг ўзи ғалати.

**А.НАРЗУЛЛАЕВ.**


АПИФЕН



**мушак оғриқларини қолдирадиган ишончли, самарали восита.**

***Кунига уч маҳал 1-2 таблеткадан***

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг

ар / гурхон аджанта фарма лимитед



*Олмониянинг кўргазмалар ташкилотчиси "Fairtrade" Сизларни таклиф этади.*

Central Asia agro food 98

**1998 йил 10-13 март**
Ўзбекистон, Тошкент-ЎзЭкспомарказ
Иш соатлари: 10.00 - 18.00

**Кўргазмада Ўзбекистонда олмон фирмаларининг илк бор гуруҳ бўлиб қатнашиши ташкил қилинган.**

**Бутун дунёдан келган қатнашчилар ўзларининг илғор технология ва янги маҳсулотларини намойиш қилади.**

- Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун технология ва маҳсулотлар.
- Озиқ-овқат саноати учун дастгоҳлар.
- Тайёр маҳсулотлар (ўсимлик мойи, ширинликлар, гўшт маҳсулотлари, пиво, алкоголсиз ичимликлар, чой ва ҳоказолар).
- Ўраш технологияси.

3-Халқаро қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва ўраш технологияси кўргазмасига марҳамат!

Ташкилотчи: fairtrade *Lassen Sie sich begeistern!*

Ҳамкорликда: Republican Trade and Exhibition Centre UZEXPOCENTRE
700084, Ўзбекистон, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107-уй.
Тел.: (3712) 34 45 45. Факс: 35 83 30.

383 uz





400 дан зиёд шаҳар ва аҳоли пунктлари

UZDUNROBITA cellular

16 000 дан зиёд абонентлар

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жойлашган майдонининг 90 фоизга яқини уяли алоқа воситамиз билан қопланган.

Ўзбекистон ҳудудида автоматлашган роминг

Тошкент
Самарқанд
Бухоро
Андижон
Фарғона
Наманган
Урганч
Хива
Навоий
Қарши
Гулистон
Қўқон
Термиз
Янгийўл
Чирчиқ
Жиззах

**АЗИЗ АЁЛЛАР!**

**Уяли алоқа ўзбек-америка “Ўздунробита” қўшма корхонаси сизларни БАҲОР АЙЁМИ билан чин юракдан табриклайди!**

**Сизларга бахт ва соғлик, тинчлик ва хотиржамлик, севги ва тотувлик, шахсий ва оилавий ҳаётингизда омад ёр бўлишини тилайди!**

**Ушбу айём сизларга ширин дамлар келтирсин!**

**“Ўздунробита” ҚК.**



Кеча-кундуз ахборот маълумот хизмати: 30 09 09, 31 09 09 ва 611 (“Ўздунробита” ҚКси уяли телефони орқали).

Сервис-Марказ: Савдо бўлими, абонентларга сервис хизмат. Манзил: У. Юсупов кўчаси, 1А.



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — М. Алимов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.00* 1 2 3 4 5 6